

№-16

УЗБ. ЕТ



ISSN 0042-486

Ветеринария



3-4

1998

БИБЛИОТЕКА
УЗБЕКИСТАНА
МОСКВА УИССР

ВЕТЕРИНАРИЯ

Ўзбекистон
Республикаси
Қишлоқ ва сув
хўжалиги
вазирлигининг
илмий-ишлаб
чиқариш журнали

Уч ойда бир марта ўзбек
ва рус тилларида чиқади

1996 йил мартдан
чиқа бошлаган

1998 йил, № 3-4

Бош муҳаррир:

З.Х. ЙЎЛДОШЕВ

Таҳрир ҳайъати:

М.А.АМИНЖОНОВ
А.А.АБДУСАТТОРОВ
Т.АБДУРАҲМОНОВ
М.Қ.БЎТАЕВ
Х.И. ИСКАНОВ
А.А. КАРИМОВ
Н.М. МАТЧОНОВ
Қ.Н. НАРБОЕВ
Ҳ.П.НУРМАМАТОВ
(бўлим муҳаррири)
М.Қ.ОРИФЖОНОВА
М.П.ПАРМОНОВ
И.Х.РАСУЛОВ
В.Д. ШАБАЛИН
(бош муҳаррир ўринбосари)
И.Х. ЭРГАШЕВ
А.Қ. ҚУРАНБОЕВ
Ф. ҚУЧҚОРОВА
(масъул котиб)
М.Х.ҲАСАНОВ

© "Ветеринария", 1998

МУНДАРИЖА

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА ВЕТЕРИНАРИЯ

А.РЎЗИМУРОДОВ. Илмий ечим ва ишлаб чиқариш.....1
М.АМИНЖОНОВ. Таҳсинга лойиқ кашфиёт.....3

ФАН: ИЗЛАНИШЛАР

Ж.ПАРМАНОВ, М.МАҲМАТҚУЛОВ, Б.ЭЛМУРОДОВ. Қора-
кўл қўйларида пастереллезнинг кечиши ва эпизоотологияси-
нинг ўзига хос хусусиятлари.....4
Т.ҒАЗНАҚУЛОВ. Касаллик та, қатувчи итлар.....6
С.МАВЛОНОВ. Зарарли ҳашаротлар.....7

КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, ДАВОЛАШ

Ф.ИБОДУЛЛАЕВ. Ёш молларда учрайдиган
асосий касалликлар.....9
Ф.НИЁЗОВ. Колибактериоз.....10
Т.ҒАЗНАҚУЛОВ. Қўйлар ва ценуроз касаллиги.....12
К.ТАНГИРЕВ, Б.НАРЗИЕВ. Ҳайвонларда йирингли жароҳат-
ларни эндолимфатик усулда даволаш.....13
Т.АБДУЛЛАЕВ. Шохли молларнинг битлаш касалликлари.....15
Н.ДАВЛАТОВ, Я.ОҚБЎТАЕВ, Х.НИЁЗОВ, М.КАРИМОВ,
К.ТАНГИРОВ. Айгирларни ахталашнинг самарали усули.....16
Ў.ҲАСАНОВ, Ҳ.ШОМУРОДОВ. Заҳарли ва зарарли ўсимлик-
лар.....18
Актиномикоз.....20

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Етакчи мамлакатларда ветеринария таълими.....21

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазирлиги

ХОМИЙ: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги ҳузуридаги Давлат Ветеринария бош бошқармаси.

МАНЗИЛИМИЗ: 700097, Тошкент, Чўпонота (собик
Волгоград, кўчаси, 9 А. Телефонлар: 77-98-12; 76-47-17.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси
томонидан 1995 йил 19 сентябрда 143-рақам билан рўйхатга
олинган.

Теришга берилди: 02. 07 1998 й. Босишга рухсат этилди:
15. 07.1998 й. Қогоз формати 84x108 1/16. Газета қогози.
Офсет усулида босилди. Шартли босма қогози 2,56. Нашриёт
ҳисоб қогози 4,11. Буюртма: 81
Тираж 733 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Агросаноат ахбороти» ҳиссадорлик жамиятида босилди.

қисми ўлганлиги ва унда ёқимсиз ҳид аниқиб турганлиги қайд этилди. Ўпканинг ранги долчинсимон кўринишда, консистенцияси хамирсимон тусга айланган. Таъкидлаш лозимки, бутун тажриба давомида назоратдаги кўзининг умчмий аҳволида ўзгаришлар кўринмади.

Шундай қилиб, эпизоотологик ва микроб юлогик усуллар ёрдамида лаборатория шароитида ўтказилган тажрибалар натижаларига кўра, қоракўл зотли кўйларнинг пастереллез билан касалланиши аниқланди.

Хулосалар: Эпизоотологик текширишлар натижаларига кўра республикамизнинг турли вилоятларида кўйчилик хўжаликларида қоракўл кўйлар орасида пастереллез учраб турибди ва асосан кўзиларни жароҳатлайди.

Шартли соғлом отарларда эса пастереллез кўзгатувчисининг ташувчилари учраши мумкин.

Кўйлардан ажратиб олинган пастереллалар ичида гемолитика ва мультицида турлари кўпроқ учрайди.

Тажрибада 5-6 ойлик кўзиларнинг пастереллалар культураси билан юқтириш натижасида экспериментал пастереллез чиқарилди. Касаллик ўткир шаклда кечади ва септицемия-бронхопневмония белгиларини кўрсатади.

Ж. ПАРМАНОВ,
М. МАҲМАТКУЛОВ,
Б. ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗВИТИ

КАСАЛЛИК ТАРҚАТУВЧИ ИТЛАР

Ценуроз ва эхинококкоз сдамлар ва қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида кенг тарқалган бўлиб гельминтоз касалликларидандир. Асосан итлар томонидан тарқатиладиган бу касалликлар кейинги вақтларда, айниқса, чорва моллари орасида кўпаймоқда. Жумладан, ценуроз касаллиги кўзилар орасида 8-10 фоизни ва эхинококкоз хасталиги катта ёшдаги кўйлар орасида 60-80 фоизни ташкил этмоқда. Эхинококкоз касаллиги фақат ветеринария муаммосигина эмас, балки тиббиёт соҳасидаги долзарб муаммолардан бири ҳамдир. Чунки бу касалликка чалинганлар жароҳлик йўли билан даволаниб, кўпинча ишга яроқсиз бўлиб қоладилар. Ценурозни ҳам, эхинококкозни ҳам итлар ва бошқа гўштхўр ҳайвонлар келтириб чиқаради ва тарқатади.

Самарқанд вилоятининг Нуробод ва Навоий вилоятининг Хатирчи туманлари хўжаликларида

уй итлари ареколин дорисининг сувли эритмаси билан гижокасизлантирилди. Итларнинг ценуроз ва эхинококкоз касалликлари билан хасталанишини текшириш мақсадидаги бу амал натижасида гельминтлар йиғиб олинди ва текширишдан ўтказилди. Бунда 1465 та итдан 207 таси мультицепс билан, 60 таси тени билан ва 8 таси эхинококк билан зарарланганлиги аниқланди. Жумладан, Нуробод туманида 769 та ит гижокасизлантирилди. Шундан 96 таси (12,4 фоиз) мультицепс билан, 30 таси (4 фоиз) тени билан, 2 таси эхинококк билан зарарлангани маълум бўлди. (1-жадвал).

Хатирчи тумани бўйича гижокасизлантирилган 696 та итдан 111 таси (16 фоиз) мультицепс билан, 30 таси тени билан ва 6 таси эхинококк касаллиги билан зарарлангани қайд этилди. (2-жадвал).

1-жадвал

Хўжаликлар номи	Дегельминтизация қилинган итлар сони	Шундан цестодозлар билан зарарланганлари		
		M.multiceps	T.hydatigaha	E.granulosus
1. Каттакўрган	188	17	3	-
2. "Элга"	100	15	7	-
3. Раззоқ Жоҳонгиров номи	78	5	2	-
4. Соҳоба	37	3	1	-
5. Улус	74	7	2	-
6. Янгиобод	105	17	7	1
7. Узку	47	8	1	-
8. Созогон	140	24	7	1
Туман бўйича:	769	96	30	2

берилади: 60-130 кунлик жўжа товуқлар учун 1 тонна донга 0,5 кг дан 3-4 кун давомида, тухумлаётган товуқлар учун 1 тонна донга 1 кг дан 6 кун давомида узлуксиз бериб бориш. Шундан кейин 7-8 кун танаффус қилинади, сўнгра препарат бериш кўрсатилган схема бўйича давом эттирилади.

Колибактериоз нисбатан ёмон аҳволда бўлган паррандаҳоналарда барча касал, ориқлаб кетган ва заиф паррандалар санитария кушхонасида ўлдирилади ва таналари йўқ қилиб ташланади, клиник соғлом паррандаларга доривор препаратлар юборилади. Бунда уларнинг касаллик кўзгатувчи ичак таёқчаларига таъсири ҳисобга олинади. Антибиотикларни қўллаш паррандалар сўйишга топширилишидан 6 кун олдин тўхтатилади. Касаллик тарқалиши мумкин бўлган хўжаликлардаги паррандалар фойдаланиш муддати тугагандан кейин сўйишга топширилади. Бунда паррандаларнинг ичак-чавоғи тўла олиниб, ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказилади. Агар уларнинг ичак органларида ўзгаришлар бўлса, таналари ветеринария-санитария гигиенаси қоидаларига риоя қилинган ҳолда зарарсизлантирилади, ички органлари эса техник утилизацияга жўнатилади.

Юқорида кўрсатилган профилактик тадбирларга риоя қилинса, паррандаларнинг колибактериоз туфайли қирилиб кетишининг олди олинади.

Ф.НИЁЗОВ,

ЎзВИТИ лаборатория мудири, ветеринария фанлари номзоди.

ҚҲЙЛАР ВА ЦЕНУРОЗ КАСАЛЛИГИ

Ветеринария соҳасида қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ценуроз касаллигига қарши қўлланиладиган вакцина ҳозиргача ишлаб чиқилмаган эди. Бу йўналишда кўплаб илмий излашлар ва тажрибалар олиб борилди. Ва, ниҳоят, бундай бахт Ўзбекистон ветеринария илми-тадқиқот ҳамда Москва технологик институтлари олимларига насиб этди.

Бугунги кунда вакцина кўпроқ қўйларда синаб кўрилмоқда. Чунки, касаллик бу тур ҳайвонларда кўпроқ учрайди. Тажрибалар шуни кўрсатдики, вакцина қўйларнинг 95-98 фоизини касалликдан сақлайди. Эмланган қўзилар орасида касаллик 1,5-2 йилгача кузатилмади. Бироқ шу кунгача вакцинанинг шифобахшлиги ва самарадорлиги исбот қилинган бўлса ҳам, унинг қўйлар организмида ҳосил қилган чидамлилик хусусияти ва жараёни муаммолигича қолиб келмоқда эди. Шуни ҳисобга олиб, лаборатория шароитида 3-4 ойлик 48 бош қўзида тажриба ўтказилди. Қўзилар ценурозга қарши вакцинанинг 14 кун оралигида икки марта 1,0 мл. миқдориде эмланиб, биринчи вакцинациядан 30 кун ўтгач, мультицепс онкосфераси билан зарарлантирилди. Ҳар бош қўзига 2000 та онкосфера сув билан биргаликда ичирилди. Зарарлантиришдан олдин қўзилардан 3 марта ва зарарлантиришнинг 1, 3, 5, 10, 15, 21, 30, 45, 60, 90, 180, 275, 345, 410 - кунлари қон олиниб, гематологик ва серологик текширишлар ўтказилди.

Қўйларнинг қон зардобиде РНГА нинг ижобий натижаси эмлашнинг 20 - кунидан намоён бўлиб, 30-кунги текширишларда тажрибадаги қўзиларда ўртача 1:560±63,9, 1:1173,3±87,3 ни ташкил қилди. Зарарлантирилганнинг 10-куниде эса титр ан-

тител 1:1973,0±193,3, айрим қўзиларда эса 1:10240 гачани ташкил этди. Назоратдаги қўзиларда титр 1:320 дан юқорига кўтарилмади. Кейинги текширишларда қўзилар қон зардобидеги антитела титри ортиб бориши кузатилди. Масалан, зарарлантиришнинг 30 - куниде зардобни суолтириш даражаси (титр) ўрта ҳисобда 1:3520±170,7, айрим молларда (6040) 1:10240 ни ташкил этди. Бу ҳолат зарарлантирилганнинг 275-кунгача сақланиб қолди. Зарарлантирилганнинг олтинчи ойиде антитела миқдори 1:1013±134,8 бўлган бўлса, кейинчалик пасайиб борди. 410-кунгача иммунитет сақланиб қолди. Антитела миқдори ўрта ҳисобда 1:320 дан юқори, баъзи ҳайвонларда эса 1:640 ни ташкил қилди.

Шундай қилиб, ценурозга қарши вакцина билан эмланган қўйлар организмида эмлашнинг 20-30 кунидан бошлаб иммунитет пайдо бўлди ва зарарлантирилганнинг 15-30 - куниде антителаларнинг юқори титри кузатилиб, 14 ойдан кўпроқ давом этади. Шундан сўнг организмда табиий чидамлилик пайдо бўлиб, қўйлар умрининг охиригача ценуроз касаллиги билан касалланмайди.

Ценуроз касаллигига қарши қўйларда қўлланиладиган ушбу вакцина ўзининг иммунобиологик хусусиятлари билан юқумли касалликларга қарши ишлатиладиган вакциналардан қолишмайди. У организм учун хавфсиз ва экологик нуқтане назардан тоза.

Т. ҒАЗНАҚУЛОВ,

ЎзВИТИ катта илмий ходими, ветеринария фанлари номзоди.